

УДК: 336.5:336.77(575.1)

Хаитбоева Дилноза Абдувоҳид қизи
мустақил тадқиқотчи ТДИУ

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация

Ўзбекистонда масофавий банк хизматларини такомиллаштириш йўллари тадқиқ қилинган. Тадқиқот ишида масофавий банк хизматларини кўрсатиш амалиёти таҳлил қилинган, олинган натижалар асосида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: банк, масофавий банк хизматлари, интернет банкинг, смс банкинг, инновация, ахборот технологиялари

Кириш

Масофавий банк хизматларини кўрсатиш турли банк операцияларни масофадан амалга ошириш имкониятини берадиган хизматлар комплекси ҳисобланади. Бунинг учун банк муассасасига ташриф буюрмасдан туриб компьютер ёки мобиль телефондан фойдаланиш етарли бўлганлиги сабабли ҳам, ҳозирги кунда, банкларда масофавий хизматларни кўрсатиш, уларнинг турларини кенгайтириш, жумладан, банк мобиль илова дастурлари имкониятларини янада ошириш зарурияти ортган.

Чунки, бутун дунёда электрон тўловларни амалга оширишда QR-кодлардан фаол равишда фойдаланилади. Бу амалиёт республикамизга ҳам жадаллик билан кириб келмоқда. Хусусан, харидор ўз банк тўлов картасини смартфондаги иловага боғлайди, савдо тармоқларида харид қилишда ёки хизматлар учун тўловни амалга оширишда банк картасидан фойдаланмай, мазкур илова ёрдамида ҳисоб-китоб қилади. Ҳисоб-китобнинг бундай усули харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам оддий банк пластик картасидан тўловни амалга оширишдан кўра қулайроқ. QR-код қўлланилганда картани қабул қилиш учун терминалдан фойдаланилмайди – унинг ўрнини смартфон босади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида[4] давлат улуши мавжуд тижорат банклари комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартлари, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банкдаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш белгиланган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича

замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда[6]” деб таъкидлаб ўтди.

Демак, банк соҳасини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши, бу масофавий банк хизматлари тизимларини ривожлантириш ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили

Масофавий банк хизматларини жорий этишнинг назарий ва услубий жиҳатларини, банкларнинг масофавий хизматларини кўрсатишнинг долзарб муаммоларни ечишда чет эл иқтисочи олимларидан Х.А. Вютрих, Ж. Гасперман, Г. Дистерер, П. Друкерлар, рус олимларидан О.И.Лаврушин, С.В. Ануреев, А.А. Афанасьев, А.Б. Бабаев, М.А.М. Тавасиев ва бошқалар ўз илмий изланишларини олиб боришган.

Ўзбекистонда масофавий банк хизматларини такомиллаштириш масалалари Ш.З. Абдуллаева, Т.И. Бобоқулов, А.А.Азларова, Х.У. Рахимова, И.Р. Тоймухамедов, З.Т. Мамадияровларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Юқори инновацион технологияларни қўллаган ҳолда банкларнинг замонавий-масофавий хизматларини қўллаши банкларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Телекоммуникация технологияларининг ривожланиши, интернет тармоғининг кенгайиши ва ундан электрон банк хизматларини кўрсатишда фойдаланиш банклар ўртасида мижозларни жалб қилиш, уларга электрон банк хизматларини кўрсатиш соҳасида рақобатнинг шаклланишига асос бўлмоқда[9]

Масофавий банк хизматлари анъанавий тарзда банк хизматларини кўрсатиш усулларига нисбатан инновацион тарзда хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, янги банк маҳсулотларини яратиш ва филиаллар очиш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш каби алоҳида аҳамиятга молик хусусиятларга эга [12]

Банк тизимида масофавий банк хизматларининг ривожланиши биринчидан, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янги ахборот технологияларининг жорий этилиши, иккинчидан банк операцияларининг автоматлаштирилганлиги билан боғлиқ .”.

Масофавий банк хизматлари – бу банкларнинг мижозларига тақдим этаётган хизматларини банкда мижозлари билан юзма-юз эмас балки, масофадан замонавий банк технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши тушунилади

Методология

Тадқиқотни олиб боришда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистика ва таққослаш каби тадқиқот усулларида фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

- рақамли иқтисодиёт, банк соҳасини трансформациялаш борасидаги айрим иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари тақдим этилди;

- банк тизимида рақамли ва инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали банк мижозларига сифатли банк хизматларини онлайн шаклда тақдим этишнинг янги турларини жорий қилиш;

- рақамли банкинг молиявий хизматларни мобил ва онлайн-платформалар орқали амалга оширишда вақт ва харажатларни тежаш, шахсий маълумотларнинг

хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини ошириш.

Таҳлил ва натижалар

Республикамиз тижорат банкларида замонавий ахборот технологияларидан кенг миқёсда фойдаланиш орқали инновацион банк хизмат турларини яратиш ва самарадорликни ошириш шу билан бирга рақамли технологияларни амалиётда қўллаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Ҳозирда, тижорат банклари инновацияларни жорий қилиши натижасида миқозларга тақдим этадиган хизматлар турларини кўпайтириши, айниқса, чакана операцияларини ривожлантириши билан ўз фаолиятини диверсификация қилиб борадилар.

Чунки банкларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши янги банк маҳсулотлари пайдо бўлишининг асосий омили ҳисобланади.

Масофавий технологиялар миқозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради.

Масофадан хизмат кўрсатиш тизими миқозларга тақдим этилаётган хизматларнинг характериға кўра икки турга бўлиш мумкин:

- информацион;
- транзакцион.[15]

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари:

Банк-Миқоз – бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда миқознинг компютериға махсус дастур ўрнатилади. Ушбу дастур компютерда барча миқоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва миқознинг компютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади.

Интернет-банкнинг – бу миқозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан банк карталарига очилган ҳисобварақларини, интернет орқали бошқариш ҳукуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури миқознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган тизимдир. Фойдаланувчи тизимға веб-браузер орқали қиради. Интернет-банкнинг тизими банкнинг веб-серверида жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятиға эға.

Интернет-банкнинг хизмати орқали миқоз ўз иш жойида ёки бошқа ўзига қулай шароитда:

- тўловларни ўтказиш;
- тўлов ўтиши босқичларини кузатиш;
- барча ҳисоботларни олиш каби амалиётларидан исталган вақтда фойдаланиш

имкониятини яратади.

Интернет-банкнинг орқали миқоз ўз иш жойидан интернет орқали банк сайтиға уланиб, ўз ҳисобрақамиға тушаётган пулларни кўриши ва пул ўтказмаларини тайёрлаб банкка узатиши мумкин бўлади.

Мобил банкнинг тизими интернет-банкнинг технологияси асосида яратилади.

SMS-банкнинг – бу банк мижозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда банк карталарига очилган ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварақидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган SMS-сўровни юбориш керак.

Мижоз учун SMS-банкнинг хизмати қуйидаги амалларни бажариш имкониятларини берилади:

ҳисобварақига келиб тушган маблағлар;

ҳисобварақидан қилинган харажатлар;

ҳисобварақ баланси;

кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида оператив маълумот олиш.[15]


Бугунги кунда аҳоли тижорат банкларининг мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварақидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда.

Ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар яратилди.

Информацион банкнинг мижозларга молиявий маълумотларни тақдим этишга йўналтирилган бўлса, транзакцион банкнинг молиявий операцияларни амалга оширишга имконият яратади.

Масофавий банк хизматларининг асосий тамойили мижоз ва банк ўртасида турли ахборотларнинг масофадан алмашинуви ҳисобланади. Бунда банк томонидан мазкур амалиётнинг хавфсизлиги таъминланади.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банклари томонидан мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварақидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда (1-расм).



1-расм. Банк хисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчиларнинг турлари бўйича динамикаси(минг донада)[14]

Ушбу расм орқали йилдан-йилга масофавий банк хизматларига бўлган талабнинг ортиши ва фуқароларимизда интерактив банк хизматларига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

1-жадвал маълумотларига кўра, 2021 йилда банклар миқёсида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи мижозларнинг мутлақ сони 5,7 миллионга кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Марказий банк маълумотларига кўра тижорат банкларининг 20,2 миллиондан ортиқ мижозлари масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланади. Улардан 19,3 миллион нафари (ёки 95 фоизи) жисмоний шахслар, 974 мингтаси юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар саналади.(1-жадвал)

2021 йил давомида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар орасида масофавий банк хизматлари фойдаланувчилари сони 151,64 мингтага кўпайди. Энг кўп ўсиш Агробанк (+60 923 та), Ипотека-банк (+15 248 та), Ўзмилийбанк (+14 380 та), Намкорбанк (+14 037 та), Ипак Йўли банки (+13 146 та), Капиталбанк (+10 227) да қайд этилган. Халқ банки (-38 023 та), Савдогарбанк (- 3 732 та) ларда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2021 йил мобайнида камайган.

1-жадвал

**Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан
фойдаланувчиларнинг сони(банклар кесимида) 2021 йил 1 март ҳолатига [13]
(дона)**

	Банк	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
1	Миллий банк	76 013	1 324 849	1 400 862
2	Ўзбекистон саноат-қурилиш банки	48 318	2 611 236	2 659 554
3	Агробанк	171 027	2 993 635	3 164 662
4	Ипотека-банк	132 546	1 816 496	1 949 042
5	Микрокредитбанк	51 926	718 490	770 416
6	Халқ банки	57 324	2 868 963	2 926 287
7	Савдогар банк	8 599	79 169	87 768
8	Қишлоқ қурилиш банк	24 670	361 229	385 899
9	Туронбанк	28 455	236 849	265 304
10	Hamkorbank	95 307	1 212 689	1 307 996
11	Асака банк	32 277	902 397	934 674
12	Ипак Йўли банки	37 935	988 393	1 026 328
13	Ziraat bank Uzbekistan	2 402	31 984	34 386
14	Трастбанк	32 987	161 438	194 425
15	Алоқабанк	22 672	483 142	505 814
16	КДБ Банк Ўзбекистон	876	35 384	36 260
17	Туркистонбанк	3 769	15 453	19 222
18	Содерот банк Тошкент	218	1 702	1 920
19	Универсал банк	7 940	95 065	103 005
20	Капиталбанк	36 099	301 216	337 315
21	Равнақбанк	2 241	44 610	46 851
22	Давр-банк	24 261	89 480	113 741
23	Invest Finance bank	23 781	354 609	378 390
24	Asia Alliance bank	14 142	237 334	251 476
25	Hi-Tech bank	1 622	22 211	23 833
26	Ориент Финанс банк	23 777	340 546	364 323
27	Мадад Инвест банк	884	2 485	3 369
28	Ўзагроэкспортбанк	110	1 288	1 398
29	Пойтахт банк	801	4 762	5 563
30	Tenge bank	645	7 202	7 847
31	TBC bank	0	313 474	313 474
32	ANOR bank	4 956	577 024	581 980
	Жами	968 580	19 234 804	20 203 384

Жадвал маълумотларидан, 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, жисмоний шахслар орасида масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони бўйича Агробанк (3,0 млн. киши), Халқ банки (2,9 млн. киши), Ўзсаноатқурилишбанк (2,6 млн. киши) лар етакчиликти қўлга киритган.

Ушбу банкларнинг республика бўйлаб кенг филиаллар тармоғи мавжудлиги, банкка келиб унинг хизматларидан фойдаланувчи мижозлари сонининг кўплиги сабабли ҳам уларда масофадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сони нисбатан кўпроқлигини кўришимиз мумкин.

Юртимизда фаолият олиб бораётган тижорат банклари кесимида юқоридаги жадвал асосида умумий маълумот беришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

2022 йил 1 январь ҳолатига муомиладаги банк пластик карталари, терминаллар, банкомат ва инфакиосклар ҳамда 2021 йил январь- февраль ойлари давомида тўлов терминаллар орқали тушган тушумлар тўғрисида маълумот[13].(дона; млн.сўмда)

№	Тижорат банклари	Муомала- даги банк карталари сони	Ўрнатилган тўлов терми- наллари сони	Ўрнатилган банкомат ва инфоки- осклар сони	2021 йил январь- декабрь ойлари давомида тўлов терминал- лари орқали тушган тушумлар (млн.сўмда)
1	Миллий банк	2 817 052	39 695	633	7 244 278
2	Ўзсаноатқурилишбанки	1 555 564	33 296	470	6 796 033
3	Агробанк	3 385 841	43 402	1 904	5 369 246
4	Микрокредитбанк	1 015 755	23 541	234	4 960 135
5	Халқ банки	5 647 420	51 771	1 370	7 768 397
6	Савдогар банк	261 991	10 145	221	1 524 389
7	Қишлоқ Қурилиш банк	471 537	17 271	248	4 497 550
8	Туронбанк	567 808	14 682	479	3 725 894
9	Hamkorbank	1 180 710	31 815	784	5 615 001
10	Асака банк	1 098 073	15 561	259	3 653 052
11	Ипак Йўли банки	1 481 069	23 930	528	4 998 515
12	Ziraat Bank Uzbekistan	67 094	649	6	274 249
13	Трастбанк	293 832	11 981	265	4 567 184
14	Алоқабанк	1 086 986	12 059	267	17 246 211
15	Ипотека-банк	2 792 837	42 213	637	8 788 459
16	КДБ Банк Ўзбекистон	61 189	541	9	139 510
17	Туркистонбанк	32 328	2 163	35	433 655
18	Содерот банк Тошкент	1 260	30	1	96 141
19	Универсалбанк	198 143	5 886	152	2 861 640
20	Капиталбанк	569 589	12 928	3 273	6 350 955
21	Равнақ-банк	609 082	866	52	670 123
22	Давр-банк	228 322	7 372	45	2 313 551
23	Invest Finance bank	449 736	11 507	426	2 984 195
24	Asia Alliance bank	271 878	7 505	268	4 085 775

25	Hi-Tech bank	26 856	446	9	97 332
26	Ориент Финанс банк	451 507	9 978	277	3 181 446
27	Мадад Инвест банк	10 139	333	11	48 746
28	Ўзгроэксспортбанк	1 270	74	7	122 242
29	Пойтахт банк	14 282	432	39	125 338
30	Tenge bank	26 178	781	31	297 108
31	TBC bank	285 916	28	0	214 972
32	Anor bank	144 541	503	0	85 622
Жами		27 105 785	433 384	12 940	111 136 942

2-жадвал маълумотларидан, 2022 йил 1 январь ҳолатига муомиладаги банк пластик карталари сони 27 105 785 донани, ўрнатилган тўлов терминаллар сони 433 384 тани, ўрнатилаган банкомат ва инфокиосклар сони 12 940 тани ҳамда шу даврда тўлов терминаллари орқали тушган тушумлар 111 136 942 млн.сўмни ташкил қилганини кўришимиз мумкин.

Масофавий банк хизматлари анънавий усулларга нисбатан хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, рақамли банкинг ва рақамли банкни кенг жорий этиш янги банк маҳсулотларини яратиш ва филиаллар очиш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш каби устунликларга эга [8]

Рақамли банкинг тушунчасини тўлиқ англаш учун мижоз-банк, банк мижоз, интернет банкинг, электрон банкинг, online banking”, “remote banking”, “direct banking”, “home banking”, “PC banking”, телефон банкинг, мобил банкинг, “WAP banking”, СМС банкинг, “GSM banking” ва “TV banking” каби тушунчаларни англаб олиш керак бўлади.[11]

Инновацион банк хизмат турлари деганда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширувчи пластик карта ва терминналларни тақдирлаш жоиз.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк-молия тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўсишни кўрсатувчи рақамлар айнан шунча янги мижоз банк хизматларидан масофадан туриб фойдаланишни бошлаганлиги англаб берилади. Ўсишни таъминловчи асосий омил сифатида — бир мижознинг бир нечта банклар хизматларидан фойдаланишни бошлаганлиги билан ҳам изоҳланиши мумкин.

Бу кўрсаткичларнинг ўтган йилларга нисбатан ўсиб бориш тенденциясига эгаллиги ва ривожлантиришнинг зарурлиги 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегияда белгиланган бўлиб, унда давлат банклари кенгашига мустақил аъзоларни киритиш, қатор банклар фаолиятини халқаро ташкилот, компания ва экспертларни жалб қилган ҳолда диагностика қилиш, банклар устав капиталидаги давлат улушини босқичма-босқич камайтириб бориш каби аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Шунингдек, банк ходимлари фаолияти самарадорлиги KPI тизимини жорий қилиш, лойиҳалар фабрикаси концепцияларини ишлаб чиқиш, банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини янада кучайтириш мақсадида fin-tech компаниялар фаолиятини йўлга қўйиш, корпоратив бошқарувнинг халқаро тажрибасини ўрганган ҳолда функционал тизимини яратиш бўйича замон талаби даражасидаги чора-тадбирлари белгилаб берилган[4]

Аёнки, жаҳон банк-молия тизимининг жадал суръатларда ривожланиб

бораётгани банклар фаолиятида янги технологиялардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу боис бугунги кунда тижорат банклари томонидан замонавий ахборот технологиялари қўлланилган ҳолда, тезкор, сифатли ҳамда ишончли хизматлар кўрсатилаётир. Натижада анъанавий банк хизматлари ўрнини масофавий хизматнинг турли кўринишлари эгаллапти. Жумладан, “Банкмижоз”, “SMS-банкнинг”, “Мобил-банкнинг” тизимли тармоқлари банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида мобиль ва электрон алоқа воситалари орқали олиш имконини бермоқда.

Хулоса

Хулоса тариқасида, масофавий банк хизматлари бозори ривожланишининг долзарб тенденцияларини белгилайдиган асосий жараёнларга қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- интенсив ривожланиши банкларга миқозларга тақдим этаётган банк маҳсулотлари ва хизматлари турларини кенгайтириш, шунингдек миқозлар ва банкларнинг вақт, транзаксия ва молиявий харажатларини камайтириш имконини берадиган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;

- банк секторининг онлайн банк бозорининг янги сегментлари ва онлайн банк воситаларини киритиш;

- онлайн-банк бозорида банклар ўртасида рақобатнинг кучайиштириш ва миқозларнинг онлайн-банк соҳасида банк хизматлари сифатини ошириш.

Шунингдек банкларда янги инновацион хизматларни татбиқ этиш билан шуғулланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки тадқиқотлар натижасига кўра, банкларда масофавий банк хизматларини ўз миқозларига тақлиф этиш борасида анча оқсаетганлиги бир томондан банк миқозларини бундай хизматлар имкониятларидан фойдаланмасдан қолишларига олиб келаётган бўлса, иккинчи томондан банкнинг ўзида иш кўламини камайтириш имкониятларини чегаралаб қўймоқда.

Жойларда масофавий хизматлардан фойдаланиш борасида шарт-шароитларни яхшилаш ҳам масалани ечишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Алоқа каналлари сифатини яхшилаш истеъмолчиларнинг янги инновациялардан фойдаланиш имкониятини ошириш билан бир қаторда аҳолини ортиқча оворагарчиликлардан озод қилиши мумкин. Масалан, коммунал хизматлар учун тўловни амалга оширишда узун навбатларда туриш, банк ёки бу турдаги тўловларни қабул қилишга ихтисослашган шахобчаларга боришга вақт ҳамда маблағ сарфлагандан кўра уйда туриб хизмат учун ҳақ тўлаш имконияти ошади.

Аҳолига банк хизматлари кўрсатилиши борасида етарлича тушунтиришлар бериш, банклардаги омонатлар, улардан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек аҳолининг бўш пул маблағларини банкга жалб қилиб, ушбу маблағларни масофадан туриб бошқариш имкониятларини оммавий ахборот воситаларидан янада кўпроқ фойдаланган ҳолда тарғиб қилиш аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим восита сифатида хизмат қилади.

Фикримизча, республикамызда, бугунги кунда тўлов ва банк хизматлари соҳасида рақобатни ривожлантиришнинг зарурати, ҳамда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг долзарблиги банклар фаолиятида муайян талабларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолда юқори сифатли рақамли банк хизматларини тақдим этадиган банклар, шубҳасиз, устунликларга эга бўлади.

Молиявий рақобат бозорида ўз фаолиятини банк бизнесининг янги инновацион талабларга ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига мувофиқ ўзгартирган банклар барқарор фаолият юритади.

Ҳозирги кунда республикамитз банк тизимида кўрилган чора-тадбирлар ва яқин келажақда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳам янада ривожланишга, мунтазам назоратнинг ўрнатилишига ва банк тизимидаги камчиликларнинг бартараф этилишига хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, республикамитз тижорат банкларининг асосий фаолият йўналишлари инновацион банк маҳсулотларини жорий этишга қаратилган. Пандемия туфайли эса ўзаро рақобатнинг янада кескинлашуви банклар бизнес жараёнларини бошқариш учун энг янги технологияларни ҳамда автоматлаштирилган қарорларни қабул қилиш тизимини жорий этиш энг мақбул ечим бўлиб қолди. Инновацион банк маҳсулотлари рақобат шароитида тижорат банкини бошқаришда ҳамда тижорат банклари учун инновацион банк маҳсулотлари ва хизматлари иқтисодий ўсишни ва рақобатбардошликни таъминлашда муҳим восита ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида Қонуни. ЎРҚ-578-сон. 2019 йил 1 ноябрь. <https://lex.uz/docs/4575786>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий тармоқларга салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5969 сон Фармони. 19.03.2020 й. <https://lex.uz/docs/4770761>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6079-сонли «Рақамли Ўзбекистон—2030» Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. 05.10.2020 йил. <https://lex.uz/docs/5030957>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги Фармони. ПФ-5992-сон. 12.05.2020 й. <https://lex.uz/docs/4811025>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. ПҚ-4699-сон 28.04.2020. <https://lex.uz/docs/4800657>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси № 19 (7521). 2020 йил 25 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида” ги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 22/5-сонли Қарори. 30.07.2018 йил. <https://www.norma.uz/>
8. Рахимова Х.У. (2016). Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўловдар тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия.243 б.
9. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. Т: «IQTISOD-MOLIYA», 2017 й. 535-540 б
10. Мамадияров З.Т. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларидан фойдаланишга таъсир қилувчи омиллар таҳлили // «Иқтисодиёт ва таълим» илмий

журнали. - Тошкент, 2019. - №1, январь-февраль. –71-77

11. Рахмонов Д.А., Хошимов,Е.А., Алимарданов. Е.Д., Бекмурадова. Г.А., Мамадияров З.Т. (2018). Молиявий глобллашув шароитида масофавий банк хизматларининг ривожланиши: назария ва амалиёт. Монография. – Т.:Иқтисодиёт

12. А.А Азларова. Ўзбекистон банк тизимини рақамлаштириш масалалари Иқтисодиёт ва таълим 2022 23 (2), 70-75

13. <https://cbu.uz/oz/statistics/paysistem/584030/> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари

14. <http://www.cbu.uz/oz/payment-systems/interbank-calculations/>

15. <https://cbu.uz/oz/payment-systems/remote-banking-services/>